

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**“Сув хўжалигини бошқариш ва
унинг иқтисодиёти” факультети**

**«Сув хўжалиги иқтисоди»
кафедраси**

Ҳимояга рухсат этилсин

Кафедра мудири

_____ **С.Умаров**

«_____» _____ **2013 йил**

**Бакалавр даражасини олиш учун
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг
асосий йўналишлари (Янгийўл тумани “Орзу” фермер хўжалиги
материаллари асосида)**

Бажарувчи:

Ш.Таваккалов

**Битирув малакавий
иши раҳбари**

С.Умаров

“Тасдиқлайман”

Кафедра муdiri

_____ **С.Умаров**

«_____» _____ **2013 й.**

Битирув малакавий иши учун

Топширик

Талабанинг фамилияси, исми, шарифи: Таваккалов Шахбоз

1. Битирув (малакавий) ишининг мавзуси: Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари (Янгийўл тумани “Орзу” фермер хўжалиги материаллари асосида). Мавзу институт ректорининг 2012 йил 27 ноябрдаги 636/т-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати: 5 июн 2013 йил.

3. Битирув иши учун берилган маълумотлар: Янгийўл тумани “Орзу” фермер хўжалигининг статистик маълумотлари ва ҳисоботлари.

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувининг мазмуни: БМИда кириш, объектнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари, асосий қисм, ҳуқуқий қисм, ҲФХ қисми, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда интернет материаллари келтирилиши лозим.

5. Чизма материалларнинг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилиши лозим):

6. Лойиҳа қисми бўйича маслаҳат берувчилар

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
		топширик берди	топширик олди
Асосий қисм	С.Р.Умаров		
Ҳуқуқий қисм	С.Р.Умаров		
ҲФХ бўлими			

7. Топширик берилган вақт: 14 декабр 2012 йил.

Рахбар

С.Умаров

Топширик олди

Ш.Таваккалов

ТАҚВИМИЙ РЕЖА

№	Битирув малакавий ишининг қисмлари	Қисмларни бажариш муддати	Изоҳ
1.	БМИ структурасини тузиш ва маълумотлар йиғиш	17.12.12-22.12.12	
2.	Кириш	21.01.13-28.01.13	
3.	Объектнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари	29.01.13-4.02.13	
4.	Асосий қисм бўлимларини тайёрлаш	5.02.13-4.05.13	
5.	1-бўлим	5.02.13-23.02.13	
6.	2-бўлим	25.02.13-16.03.12	
7.	3-бўлим	18.03.13-13.04.13	
8.	4-бўлим	15.04.13-4.05.13	
8.	Ҳуқуқий қисм	6.05.13-11.05.13	
9.	ХФХ бўлими	13.05.13-18.05.13	
10.	Хулоса ва таклифлар	20.05.13-23.05.13	
11.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш	24.05.13-27.05.13	
12.	Мавзу бўйича интернет маълумотлари	28.05.13-30.05.13	
13.	БМИни расмийлаштириш	31.05.12-5.06.12	

Талаба

Ш.Таваккалов

Раҳбар

С.Умаров

Мундарижа:

	бет
1. Кириш	5
2. Тошкент вилояти Янгийўл туманининг табиий-иқтисодий шарт- шароитлари	8
3. Асосий қисм	12
3.1. Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари.....	12
3.2. Фермер хўжаликларида рақобатбардошлик муҳитини шаклланиши ва уни асосий йуналишлари	25
3.3. Фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини оширишнинг ҳозирги ҳолати	34
3.4. Фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўллари.....	39
4. Ҳукукий қисм	47
5. Ҳаёт-фаолияти хавфсизлиги бўлими	52
6. Хулоса ва таклифлар	56
7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
8. Мавзу бўйича интернет материаллари	61

КИРИШ

Ўзбекистон – аграр-индустрлашган республика бўлиб, мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкандир. Чунки унда республика ялпи ички маҳсулотининг 18 %, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг деярли ярмини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда.

Республикаимиз иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек муҳим вазифани амалга ошириш, аҳоли сони ва талаб, эҳтиёжлари даражаси, шунингдек чекланган ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ортиб бориши, иқтисодий самарадорликни ошириш борасида туб ўзгаришлар қилишни заруратга айлантирди ва иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислохотлар натижасида кўп укладли аграр иқтисодиёт қарор топиши ва ривожини учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки йилларида турли хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини тенг асосда ривожлантириш тадбирлари амалга оширилган бўлса, ҳозирга келиб устуворлик йўналиши бир қадар ўзгарди. Хусусан, мустақил тадбиркор сифатида фермер хўжаликлари мураккаб ривожланиш босқичини босиб ўтиб ўз мавқеини тобора тикламоқда.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш учун инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг

аҳамияти нечоғлик катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади”.

Фермер хўжаликлари бозор шароитида ишлашга кўпроқ мослиги, бошқарув, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги қулайлиги ва юқори моддий манфаатдорлик билан ишлаб чиқариш якунлари боғлиқлиги, мамлакатда фермер хўжаликларини ривожлантириш устуворлигини таъминламоқда.

Республикамизда 2011 йил якунлари бўйича жами 66134 та фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, уларга ер майдонлари узок муддатли (30 йилдан 50 йилгача муддатга) ижара асосида ажратиб берилган.

Ўзбекистон аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш орқали уларни рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритувчи механизмларни кенг кўламда жорий қилиниши долзарб вазифалардан ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида истиқболда ҳар битта фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини аниқлаган ҳолда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий ва иқтисодий масалаларини ҳамда рақобатбардошликнинг асосий йўналишларидан фойдаланишнинг мавжуд муаммолари, камчиликлари ва номутоносибликларни мажмуавий шаклида чуқур тадқиқ этишни тақозо этади. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш аксарият жиҳатдан фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигига боғлиқ. Шунинг учун аграр соҳада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, фермер хўжаликларини ривожлантиришда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки

уларнинг эркин рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек: - "Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи урин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин"¹. Шу нуқтаи назардан ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш учун рақобат муҳитини шакллантириш бўйича кенг қамровли таҳлилларни амалга ошириш орқали истиқболда ушбу жараённинг устувор йўналишларини аниқлаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. "2012 йил ватанимиз тараккиётини янги босқичга кутарадиган йил булади". 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //Халқ сузи, 2012 йил 20 январь.

2. Тошкент вилояти Янгийўл туманининг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари

Тошкент вилояти республиканинг шимолий-шарқда жойлашган бўлиб, 1938 йил 15 январдада ташкил қилинган. Шимол ва шимолий-ғарбдан Қозоғистон Республикаси, шимолий-шарқдан Қирғизистон Республикаси, шарқдан Наманган вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадошдир. Майдони (Тошкент ш. майдонисиз) 15,3 минг км². ташкил этади. Аҳолиси (Тошкент шаҳри аҳолисисиз) 2,4 млн. кишидан ортиқ. Вилоят таркибида 15 та туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори-Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта-Чирчиқ, Қибрай, Қуйи-Чирчиқ), 17 та шаҳар (Ангрен, Бекобод, Бўка, Дўстобод, Келес, Олмалиқ, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Тўйтепа, Чиноз, Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод, Ғазалкент), 18 та шаҳарча (Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Зафар, Искандар, Красногорск, Нуробод, Олмазор, Салор, Туя-бўғиз, Чиғирик, Чорвоқ, Эшонгузар, Янгибозор, Янгичиноз, Янгиҳаёт, Ўрта-овул, Қибрай), 146 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази - Тошкент шаҳри.

Иқлими кескин континентал бўлиб, қиши нам, нисбатан илиқ, ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ. Январнинг ўртача температураси - 1,3°, -1,8°, энг паст температура -34° (текисликда), -38° (тоғ этакларида), июлнинг ўртача температураси 26,8°, энг юқориси 43-47°. Текислик қисмида йилига 250 мм, тоғ олдиларига 350-400 мм, тоғларда 500 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Вегетация даври текислик қисмида 210 кун. Дарёлари Сирдарё ҳавзасига мансуб (Сирдарё - ўрта оқими, узунлиги 125 км ва унинг ирмоқлари - Чирчиқ, Писком ва Оҳангарон). Булар Тяньшан тоғларидан бошланади ва сувидан электр энергия олишда ва суғориш ишларида фойдаланилади. Суғориш каналлари: Бўзсув, Қорасув, Далварзин, Тошкент ва бошқалар. Туябўғиз (Тошкент денгизи), Чорвоқ ва Оҳангарон сув омборлари мавжуд.

Аҳолисининг зичлиги ўртача 1 км² га 157 кишини ташкил этади, асосан, ўзбеклар (60,9%), шунингдек, рус (8,1%), қozoқ (14,3%), татар (2,5%), тожик (5,0%), корейс (2,8%), украин (0,6%) ва бошқа миллат (турк, қирғиз, уйғур, немис ва бошқалар, жами 80 миллат) вакиллари яшайди. Чорвоқдан тортиб Сирдарёгача вилоят аҳолиси зич жойлашган. Айниқса, бир қанча йирик шаҳарлар занжиридан ташкил топган Тошкент агломерациясида аҳоли жуда кўп яшайди.

Вилоятнинг саноати юқори даражада ривожланган вилоятлардан биридир. Унинг географик ўрни иқтисодиётининг раванқ топишига имкон беради. Вилоят хўжалик комплекси, асосан, пойтахт хўжалик комплексини тўлдиради. Айни пайтда вилоят республика саноат маҳсулотининг 20%, электр энергиясининг 45%, кўмирнинг 98%, цементнинг 43%, пўлат ва металл прокатининг 100%, рангли металлларнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. Вилоятда 190 та саноат, 160 дан ортиқ кўшма, 20 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатади.

Озиқ-овқат саноатида асосан, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрланади. Бу саноат гўшт-сут, ёғ-мой, ун-қандолат, вино-арак, тамаки ва бошқа тармоқларни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат саноати пахтачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқаларга асосланади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик; тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, буғдой ва арпа етиштирилади). Айниқса, мустақиллик йилларида соҳада иқтисодиётнинг кўп тармоқли турлари шаклланиб бормокда. Сўнгги 10 йилда пахта уруғчилигини ривожлантиришга эътибор ортиб бораяпти. Вилоят пахта селекцияси ва уруғчилик соҳасида илмий изланишлар натижасида жаҳон талабларини қондирувчи тола, юқори ҳосилли ва тез пишар навлар яратилмокда.

Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини ўзгартиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Пахтачилик, ғаллачилик асосий

ўринларни эгаллайди. Вилоятда шунингдек, картошка, мева ва резавор мевалар, узум етиштириш ҳам йил сайин ортиб бораёпти. Пиллачилик билан ҳам шуғулланилади. Чорвачилик ривожланиб, асосан гўшт-сутга ихтисослашган.

Вилоят республика пойтахти аҳолисига сут, гўшт, тухум, мева-сабзавот етказиб беради. Картошка ва сабзавот, асосан, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари атрофидаги хўжаликларда экилади. Зангиота ва Қибрай туманлари Тошкент шаҳар аҳолисини картошка ва сабзавот билан таъминлашга ихтисослашган. Вилоятда тоқчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда асосан, нок ва олма ўстирилади. Боғларнинг асосий қисми Бўстонлик, Қибрай, Янгийўл, Паркент, Оҳангарон, Зангиота, Тошкент, Қуйи Чирчиқ туманларида жойлашган. Шарқий тоғли ва тоғ этакларидаги туманларда, асосан, қўй ва эчкилар боқилади.

Янгийўл тумани вилоятнинг жанубий-ғарбида жойлашган бўлиб, 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Ғарб ва шимолий-ғарбда Қозоғистон вилояти, шимолий ва шимолий-шарқда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, жанубий-шарқда вилоятнинг Қуйи-Чирчиқ, жанубий-ғарбда Чиноз туманлари билан чегарадошдир. Майдони 0,42 минг км² бўлиб, аҳолиси 160 минг кишидан ортиқ. Туманда 2 та шаҳарча (Гулбаҳор ва Бўзсув), 8 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Туман маркази - Гулбаҳор шаҳарчаси.

Туман ҳудуди, асосан, текисликдан иборат бўлиб, адирлар учрайди. Ер юзасида Чирчиқнинг 5 та террасаси (кўҳна қайир) ажралиб туради. Тупроқлари бўз, ўтлоқи тупроқлар. Иқлими континентал. Йиллик ўртача температура 12,5°- 13°. Июлнинг ўртача температураси 26°, январники -1°, - 2°. Вегетация даври 210 кун. Йилига 280-282 мм ёғин тушади. Туман ҳудудидан Чирчиқ дарёси, Куркулдак, Жўн, Бўзсув, Шимолий Тошкент каналлари ва ариқлар оқиб ўтади. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, ғумай, янтоқ, шўра, печак, ажриқ, какра ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, қуён, жайра, бўрсик, паррандалардан ёввойи ўрдак ва бошқалар учрайди.

Аҳолиси асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 375, 5 киши. Аҳолиси 160 минг кишидан ортиқ.

Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, пиллачилик билан шуғулланилади. Суғориладиган майдонларга пахта, ғалла, сабзавот-полиэ экинлари экилади. Боғ ва тоқзорлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Ширкат, фермер хўжаликлари, аграр бирлашмаси, чўққачилик хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналари мавжуд.

3.1. Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари

Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида банд бўлган хўжалик субъектлари, мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади ва фаолият юритиш жараёнида у ёки бу даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши, у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни энг мақбул нархда ишлаб чиқариш, харажатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптимал равишда эканлиги ва корхонани келажакда янада фаол амал қилиш шартлари билан белгиланади. Чунки аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Рақобат тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида келтирилгандек: "Рақобат-хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди"². Мана шундай рағбатлантирувчи омиллардан бири рақобат муносабатларининг юзага келиши ҳисобланади ва бу жараён субъектлар ўртасида харидор бозори учун соф иқтисодий кураш турларини содир бўлишига олиб келади.

Ҳақиқатдан ҳам бозор иқтисодиётида товар тижорат ютуғининг асосий омили, товарнинг истеъмол қиймати сифати ёки унинг рақобатбардошлигига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларининг рақобатбардошлиги ва иқтисодий барқарорлик

² Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни. //Халқ сўзи, 2012 йил 7 январь. №5 (5425)

категориялари жуда мураккаб ва ўзаро бир-бири боғланган бўлиб, рақобатбардошлик фақат иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлгандагина содир бўлади. Иқтисодий барқарорликка жуда ҳам кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади ва улар корхонанинг ривожланиш истиқболларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, рақобат муҳитида ғолиб чиқиш имкониятини яратади.

Рақобат тушунчаси жуда кўп қиррали, сермазмун бўлиб, товарнинг бозор шартларига мос келиши, товарлар техник, иқтисодий, эстетик тафсилотлари билан истеъмолчиларнинг фақат аниқ талабларини қондириб қолмасдан, балки тижорат ва сотиш жараёнидаги бошқа жараёнларнинг ҳам бажарилишини ҳисобга олади. Булар, нарх-наво, товарни етказиб бериш муддати, ўтказиш-сотиш каналлари, сервис, реклама ва ҳоказолардан иборат. Булардан ташқари, рақобатбардошликда товардан фойдаланиш ҳисобга олиниши лозим бўлган харажатлар даражасини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик категориялари ҳақида фикр билдирилганда фаннинг турли тармоқларида кўплаб жиҳатлари борлиги туфайли ҳам, илмий адабиётларда қатор тушунчалар ва ҳатто бир-бирини инкор қилувчи таърифлар бор.

А.Н.Романов, Ю.Ю.Коряков, С.А.Красильниковнинг ёзишича "...рақобатбардошлик дейилганда бозорда товарнинг муваффақиятини аниқлаб беришга хизмат қиладиган, унинг истеъмол қилишлиги ва қиймати (нарх-навоси)ни ҳар томонлама тавсифловчи яъни рақобатчи товарлар-ўхшашларини кенг таклифи шароитида асосан шу товарни бошқа товарга қараганда устунлиги тушунилади" деб эътироф этилади. А.А.Амбаркулов, Ф.Ф.Стерликовнинг фикрича, - "Товарнинг рақобатбардошлиги, бу харидорнинг эҳтиёжини бошқа ўхшаш товарларга қараганда даражаси ва кўлами бўйича қондиришдаги ва уни харид қилиш ва ишлатиш бўйича харажатлар фарқини аниқлаб берувчи товарнинг истеъмол хусусиятлари йиғиндисидир" деб қайд қилинса, А.А.Тарасова, Ф.А.Крутиковнинг қайд қилишича: "Товарнинг рақобатбардошлиги – бу маҳсулотларни бошқа

махсулотлар турига ва ишлатилишига қараганда, яъни шу бозор ва истеъмол қиймати талабларига сифати ва қиймати тавсияларини яхши бўлиши ҳисобига истеъмолчи (харидор)ни ўзига жалб қилувчи қобилятидир".

Иқтисодиёт назарияси фанининг категорияси сифатида рақобат нисбатан узоқ вақтлардан буён мавжуд бўлган тушунча ҳисобланса-да, унинг иқтисодий табиати нисбатан мураккаб бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда унинг моҳияти тўлиқ, очиқ берилмаган, дейишга асос мавжуд. Бу шу билан изоҳланадики, рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва объектив асосларини очиқ бериш жараёнида, уни таърифлашдаги серқирралик, турфалилик ва зиддиятлар мантикий жиҳатдан давом этаётганлигидадир. Шунинг учун ҳам рақобат, рақобатбардошлик муносабатларига бўлган қизиқиш ҳар доим эътибордан четда қолган эмас.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда рақобат тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжудлигига қарамасдан Ўзбекистонда ҳам бу категорияга илмий таъриф беришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодчи олимлардан Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев томонидан тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмасида рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юқори фойда ва нафлига эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни: рақобат - бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбаларига эга бўлиш мақсадида улар орасида кураш боради.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Рақобат тушунчаси турли изоҳли луғат ва маълумотномаларда ҳам турлича таърифланади. Жумладан, «Язык бизнеса» номли луғатда: "Рақобат (лотинча *concurrere*-тўқнашув; инглизча *competition, rivalry*)-бозорда иштирок этаётган корхоналар ўртасидаги ўз маҳсулотларини сотишнинг энг қулай имкониятларини таъминлаш, харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ўзаро таъсир, ўзаро алоқа ва кураш иқтисодий жараёнидир. Рақобат ва монополия диалектик бирликни ташкил этиб, доимо бозорда бир-бирларига қарама-қарши турадилар", деб ифодаланган. Бундан кўринадики, рақобат нафақат кураш, балки ўзаро таъсир ва алоқа жараёни сифатида ҳам талқин этилган. Шу билан бир қаторда, рақобат мақсадини «харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш» сифатида белгилаб, маълум ноаниқликка йўл қуйилган. Чунки, рақобатнинг асосий мақсади харидорни эмас, балки унинг иштирокчиси манфаатларини тўларок руёбга чиқаришдан иборат бўлиб, бу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлар пировардида харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга олиб келади.

Таниқли иқтисодчи олимларимиздан А.Ўлмасов ва Н.Тухлиевнинг «Бозор иқтисодиёти» номли қисқача луғат-маълумотномасида: "рақобат,- мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Рақобат асосий товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун кураш-интилишидан иборат. Рақобат бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир, чунки рақобатда ғолиб келиш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади.

Рақобатнинг асосий соҳаси - бозор, бозорда турли корхоналар товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё, материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар", деб таъкидланади. Яъни, юқоридаги таърифлардан кўринадидики, рақобат фақат бозор иқтисодиётига хос, деган қоида илгари сурилади.

Шунингдек, баъзи бир иқтисодий манбаларда рақобат меҳнатга оид беллашув бўлиб, маҳсулотнинг бир турини бошқасидан сифат жиҳатидан фарқланиши таъкидланади. Шу билан бир вақтда «рақобатлашув», «рақибчилик», «беллашув», «мусобақалашув» тушунчаларининг мазмуни ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу тушунчаларнинг мазмуни, ўзаро нисбати ва тафовутини 1-жадвалдаги каби изоҳлаш мумкин.

1-жадвал

Рақобат билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Категорияларнинг номи	Ўзига хос хусусиятлари
Беллашув	Яшаш учун кураш орқали намоён бўлувчи етакчиликка, умуман ғалабага интилиш. Беллашувнинг мавжуд бўлмаслиги инқироз белгисидир. Мусобақа ва рақобатга нисбатан умумий тушунча ҳисобланади.
Меҳнатдаги рақибчилик	Меҳнат соҳасидаги беллашув шакли, меҳнатда ўзини кўрсатиш, яхши натижаларга эришиш истагидир. У, хусусан, меҳнатдаги шахсий ютуқларни ишлаб чиқариш жараёнидаги бошқа иштирокчиларнинг натижалари билан ўлчаш ва таққослашни тақозо этади. Меҳнатдаги рақибчилик - умуман беллашувга қараганда нисбатан аниқ тушунчадир.
Мусобақалашув	Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидаги беллашув шакли бўлиб, иштирокчилар томонидан эришилган натижаларни маълум тарзда таққослаш билан бевосита боғлиқ. Мусобақалашув рейтингни кўтариш, мақомни ошириш томон интилишни тақозо этади. У меҳнат жараёнининг барча иштирокчиларини ўз ўрнига қўйиб, уларнинг табақалашувига олиб келади.
Рақобат	Товар муносабатлари соҳасидаги беллашув шакли, бозор рақибчилигидир. У хом ашё ва яримфабрикатларни харид қилиш ва сотиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишнинг нисбатан фойдали шароитларига эга бўлиш. кўпроқ фойда олиш учун курашдир. Рақобат товар ишлаб чиқарувчиларни табақалашувига олиб келади, товар ишлаб чиқаришнинг регулятори бўлиб майдонга тушади.

Баъзи бир адабиётларда рақобатнинг нафақат бозор иқтисодиётига, балки маъмурий-буйруқбозлик тизимига ҳам тааллуқли эканлиги эътироф этилади.

Уларга жавобан иқтисодчи-олим Ё.Абдуллаев шундай фикр билдиради: бозор муносабатлари ўтмишдаги "социалистик мусобақа"ни мутлақо тан олмайди, у ҳақиқий, таъсирчан, рағбатлантирувчи, эркин рақобатчиликни талаб қилади. Таъсирчан ва рағбатлантирувчи, эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиб, бу бозор муносабатларининг моҳиятини белгилаб берувчи шароит ҳисобланади. Рақобатнинг фақат эркин бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли амал қилиши ҳамда ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олишини 2-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

2-жадвал

«Рақобат»нинг турли иқтисодиёт шароитларидаги қиёсий тавсифномаси

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
• Рақобат "социалистик мусобақа" билан алмаштирилиб келинди. "Рақобат" сўзини ишлатиш тақиқланар эди. • Мусобақа ким ўзиш, ким яхши натижаларга эришиш учун бўлган қалбаки беллашув эди. Чунки эришилмаган ютуқ ва бажарилмаган кўрсаткичларга эришилиши "рақамлар"да таъминланарди. • Социалистик мусобақадаги мажбурий сафарбарлик усули: - ташаббускорлик руҳини сўндирарди; - маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини бермас эди; - «ялпи маҳсулот» мафкураси ҳукмронлигида мусобақа кўрсаткичлари кўпинча микдорий кўрсаткичларга қараб бажарилар эди.	• Рақобат рағбатлантирувчи иқтисодиётни ҳаракатга солувчи кучдир. Шу сабабли у бозор иқтисодиёти механизмида асосий ўрин олади. • Рақобат режалаштирилмайди ва қаттиқ назорат остига олинмайди. • Бу ерда: - талаб ва таклиф; - нарх-наво; - олигополия ва монополия даражаси; - давлатнинг антимонопол сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. • Рақобатда мажбурий сафарбарлик бўлмайди. Бу ерда ҳалол ва эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатилади.

Иқтисодий категория сифатида «рақобат» нисбатан кенг тарқалган фундаментал атама ҳисобланади. Бироқ, рақобат тушунчаси шу қадар серкирраки, уни қандайдир ягона умумий таъриф билан қамраб олиш мумкин эмас. Рақобат ҳам хўжалик юритиш усули, ҳам бир капиталнинг бошқаси билан беллашувини таъминлай оладиган усул сифатида юзага чиқади. Бундан ташқари, рақобат ижтимоий, ишлаб чиқаришнинг тартибсиз бошқарувчиси сифатида ҳам намоён бўлади.

«Рақобат» тушунчасини аниқлаштиришнинг баъзи бир нуқтаи назарларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. А.Смит рақобатни бозордаги алоҳида сотувчи ва харидорларнинг нисбатан фойдали сотиш ва харидга эришиш учун беллашувини ифодаловчи хулкий категория сифатида талқин этган. Й.Шумпетер рақобатга иқтисодий ўсиш жиҳатидан эътиборни қаратиб, янги товарлар, янги технологиялар, эҳтиёжларни қондиришнинг янги манбалари, маҳсулотлар янги турларини эскилари билан беллашувини намоён этади, деб таъкидлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатни максимал фойдани қўлга киритиш, нисбатан қулай хўжалик юритиш шароитларига эга бўлиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш сифатида баҳолаш мумкин.

Бошқа томондан, рақобатни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида, шунингдек капитал киритиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи бозор механизмининг элементи сифатида кўриб чиқиш мумкин. Рақобатнинг амал қилиш шакли ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг меъёр ва қоидалари тизими ҳисобланиб, унинг асосида давлатнинг директивалари, давлат ва хусусий фирмалардан иборат миллий хўжалик амал қилишининг бозор усуллари ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатнинг моҳияти бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб бериши қорхонани ривожлантириш воситаси деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш,

умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат бўлиб, улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материалларни сотиб олиши, ишчи кучини ёллаш учун зарур маблағларни сарфлайди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда, бозорда истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш билан белгиланади.

Истеъмолчилар ўртасида рақобатни юз бериши ҳақида тўхталиб, шунинг таъкидлаймизки, улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафтиликка эга бўлишга ҳаракат қилиб, арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун интилади. Бу жараён таниқли инглиз олими М.Е.Портернинг қайд қилишича, алоҳида бозордаги рақобатнинг ҳолатини бешта рақобат кучи орқали тавсифлашда янада тўлиқ намоён бўлади.

1. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги беллашув.
2. Бир-бирининг ўрнини босувчи ва нарх нуқтаи назаридан рақобатбардош бўлган товарлар ўртасидаги рақобат.
3. Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфи.
4. Маҳсулот етказиб берувчиларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдони ташкил қилиш жараёнлари.
5. Харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва харид қобилиятлари.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини ҳар томонлама, чуқур кўриб чиқиш зарур.

Бозордаги корхона товарлари рақобатининг бир неча турлари (функционал рақобат, кўриниши бўйича рақобат, предмет бўйича рақобат) амал қилади. Функционал рақобат ҳар қандай эҳтиёжни турли воситалар орқали қондириш мумкинлиги натижасида келиб чиқади. Шунга кўра бунда қондиришни таъминловчи барча товарлар функционал рақобатлашувчи ҳисобланади. Кўриниши бўйича рақобатлашув – бу бир мақсадга мўлжалланган, бироқ, қандайдир аҳамиятли параметри бўйича фарқланувчи товарларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Предмет бўйича рақобатлашув –

бу фирмалар томонидан фақат тайёрланиш сифати жиҳатидан фарқланувчи бир хилдаги товарларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида вужудга келади. Шунингдек, предмет бўйича рақобатлашувни яна фирмалараро рақобатлашув деб ҳам аталади. Айнан фирмалараро яъни тармоқлар бўйича рақобатбардошлик бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишга ундовчи энг асосий рақобат шаклларида бири ҳисобланади. Бу ҳақда Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодировнинг илмий монографиясида "Тармоқнинг рақобатбардошлиги айнан ушбу мамлакат учун ва рақобат жиҳатдан устунликлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг маълум тармоғи учун юзага келган бошқарув амалиёти ҳамда ташкил этиш моделларини уйғунлаштиришнинг натижаси сифатида иштирок этади" деб қаралади.

Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган фермер хўжаликлари кушимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор фермер хўжаликлари эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йукотадилар ва зарар кўрадилар.

Рақобатнинг вужудга келиши ва амал қилиши табиий, бу жараёнларга ташқи кучларнинг таъсир қилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда икки асосий гуруҳга-мукаммал ва номукаммал рақобатга ажратиш мумкин.

Мукаммал рақобат куйидаги бир қатор белгилар билан тавсифланади:

- бозор ичидаги ресурсларнинг ҳаракатчанлиги;
- бозорга кириш ва ундан чиқишнинг эркинлиги;
- сотувчилар хатти-ҳаракатининг бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир хил кўринадишида эканлиги;
- сотилган маҳсулот ҳажми;
- нарх тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш имконияти.

Мукаммал рақобатнинг ягона кўринадиши-соф ёки эркин рақобатдир. Соф рақобат савдо-сотик билан шугулланувчи кўплаб сотувчи ва харидорларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Юқори даражада ташкил килинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф

киладилар. Бундай шароитда бозорда маҳсулот табакалашуви мавжуд бўлмай, кўп сонли сотувчи ва харидорлар эркин ҳолда ҳаракат қилиб, бозор нархининг шаклланишига таъсир кўрсата олмайдилар.

Номукаммал, монополистик рақобат XIX аернинг охири-XX аернинг бошларида монополияларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Мазкур давр капиталнинг концентрацияси, акциядорлик жамиятларининг вужудга келиши билан тавсифланади. «Монополия» атамаси том маънода товарнинг ягона сотувчиси мавжудлигини англатади. Бирок, ҳозирги вақтда бу атама узининг дастлабки талқинини йукотиб, номукаммал рақобатга хос бўлган бозор ҳолатининг турли кўринадишиларини белгилашда фойдаланилади. Монополистик рақобатнинг асосий белгиси бўлиб юкрри монопол нархлар ва монопол фойдалар ҳисобланади.

Рақобатлашувнинг ҳар қандай шакли нарх механизмини куллашга асосланади. Нарх воситасида рақобатлашувда кўрашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархларини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлари нархларига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нарх бўйича рақобат сотилаётган маҳсулотга нисбатан нарх дискриминацияси билан тавсифланади. Нарх бўйича дискриминация кўпинча хизмат кўрсатиш чогида кулланилади (врач, адвокат, мехмонхона эгаси хизматлари, тез нобуд бўлувчи маҳсулотларни ташиш хизмати).

Унинг асосий ва энг кўп кулланиладиган кўринадиши-"нархлар жанги" деб аталади ва бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни куллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига Караганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг якка қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини тушириш имконини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларида бири- демпинг нархларни куллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини

бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархлар бўйича чиқаради. Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш, мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йукотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Нархсиз рақобат маҳсулот сифатини ҳамда уни сотиш шароитларини такомиллаштириш орқали амалга оширилиб, биринчидан, товарнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш; иккинчидан товарнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мослашувини яхшилашда намоён бўлади. Рақобат кўрашининг асосий омили товарларнинг нархи билан эмас, балки унинг сифати, сервисни ташкил қилиш, у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирманинг обрӯ-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарларнинг сифати ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез руй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланиш истеъмолчига бозорда қушимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмокда.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда, мамлакат ички бозорида мавқеининг мустаҳкамланишида рақобат муҳити шаклланиши ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу жараёни асослаш, авваламбор назарий жиҳдтдан рақобат муҳити, рақобатбардошлик тушунчаларига бозор иқтисодиётига утиш нуқтаи назаридан аниқлик киритишни тақозо этади.

Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишда, даставвал рақобат муҳити шаклланмоғи лозим. Ваҳоланки, рақобатбардошлик, рақобат муҳити билан бевосита боғлиқ бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак,

рақобатбардош маҳсулот рақобат муҳитининг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ушбу икки тушунча бир-бирига узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам, уларни мажмуавий ҳолда тадқиқ қилиш фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини оширишнинг йўллари белгилашда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу категорияларга олимларнинг бераётган тавсифининг аксариятида мажмуавий таҳлил қилишга ҳаракат килинганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу нуқтаи назардан ҳам, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, бевосита фермер хўжаликларининг шаклланиши ва устувор ривожланиши даврида рақобатбардошлик тушунчасини асослашда У.М.Муминовнинг илмий қарашларини нафақат назарий, балки, амалий жиҳатдан ҳам мавжуд шароитга мос келишини таъкидлаш жоиз.

У.М.Муминовнинг "рақобатбардошлик бу-рақобатчилар ўртасидаги маҳсулотга нисбатан баҳо берувчи юқори малакали ишчилар меҳнатидан фойдаланилган машиналар тизими, оптималлаштирилган ва шунга мослаштирилган интенсив технологиялар кулланиши туфайли юзага келган яқуний натижа ҳисобига олинган белги, деб қаралиши мантиқий асосга эга. Рақобат муҳити эса, ушбу белгига эга бўлган маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, айирбошлаш ва сотиш учун яратилган шарт-шароитлардан иборат". Эканлиги тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир этиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашилганлигидан далолат беради.

Ушбу таърифларда тармоқда рақобатбардошликни мавжуд бўлишида фермер хўжаликларининг турли табиий-иқтисодий шароитда фаолият юритишлари, аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз жойлашувига кўра, қулай жойларни танлаш имкониятига эга эмаслиги сабабли, қулай табиий шароитда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан рақобат устуворлигига эга була олмаслиги ва табиий-иқтисодий табақаланишнинг сакланиб қолиши тўлиқ узининг аксини топганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам, биз фермер

хўжаликлари рақобатбардошлигининг шаклланиши ва ривожланиши қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити ўзаро якин бўлиб бир-бирини тулдириб туради. Фермер хўжалигининг маҳсулотини ва унинг рақобатбардошлигини рақобатнинг натижаси, аксинча, рақобатбардошлик бўлмаса, рақобатнинг мавжуд эмаслиги ҳам да ушбу муҳитни яратилмаганлиги натижаси дейиш мумкин.

Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини шаклланиши ва ривожланиши ўзаро бир-бирини тудирувчи-маҳсулот етиштирувчи-фермер хўжалиги, сотувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ва улар муносабатларининг шаклланган шароити, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрор ишлаб чиқариш тизимида биологик, техникавий ва иқтисодий жараёнларни ишлаб чиқариш, ташиш, саклаш, сотиш ва истеъмол қилиш босқичларида намоён бўлиши ва фермер хўжаликларининг устуворликни эгаллаш учун бўладиган кўраши ҳам да маҳсулотни нарх, сифат ва экологик кўрсаткичлар орқали харидорлар талаб, истак-хохишларини қондира олиши ҳам да маълум вақт мобайнида рақобатчилар маҳсулотидан ушбу кўрсаткичлар бўйича устунлиги билан боғлиқ муносабатлардан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига утиш даврида фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши ва фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги пасайишига, табиий имкониятидан тўғри ва унумли фойдаланмаслик натижасида маҳсулот етиштириш сарф-харажатларининг кўпайиши, сифатининг паст бўлиши каби омиллар салбий таъсир кўрсатмокда. Бу эса, рақобатбардошликни тизимлаштириб урганиш заруриятини келтириб чиқармокда.

3.2. Фермер хўжаликларида рақобатбардошлик муҳитини шаклланиши ва уни асосий йуналишлари

Бозор иқтисодиёти эски, самарасиз хўжалик юритиш механизми ўрнига бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар тизими рақобат муҳитини яратади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойилларига амал қилган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни олувчи жараён ҳисобланади.

Соғлом рақобатни ривожлантиришда аксарият ҳолларда ўтиш даври иқтисодиёти учун хос бўлган қуйидаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади:

- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар микёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансabdор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти борасида суиистеъмоллик ҳолатларига йўл қўйилиши;
- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши;
- фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолатларининг мавжудлиги;
- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;
- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги;
- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмасликлари.

Иқтисоди ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобат бозор хўжалигининг ажралмас қисми сифатида табиий равишда пайдо бўлган бўлса, унлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда бу жараён элементларини "жорий қилиш" ва ҳатто мажбуран аабул қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг ўтиш даври ҳолатида рақобат муносабатларини ривожлантиришнинг мавжуд реал имкониятларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, рақобатсиз иқтисодиётнинг самарали ҳаракат қила олмаслигига ишонч шаклланди. Бу ишонч таъсирида яқин вақтларгача ҳукмрон мавқега эга бўлган режали-буйруқбозлик тизимининг ғоявий қарашлари емирилмоқда. Иккинчидан, республикада рақобатни давлат томонидан рағбатлантириш ва тартибга солишнинг кенг режали ҳаракатлари шаклланимоқда. Учинчидан, рақобат ҳали кенг жорий қилинмаса-да, бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатни шакллантиришнинг асосий тамойиллари қаторида, энг биринчи навбатда, бозор муносабатларининг қарор топтирилишини таъкидлаш мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айнаи вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Рақобатнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий жараёнларнинг эркинлигини тақозо этади. Иқтисодиётдаги фаолият ва жараёнларнинг эркинлигининг ҳар қандай кўринишдаги чекланиши ўз навбатида рақобатнинг ҳам чекланиши ҳолатларига олиб келади. Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган кўплаб мамлакатлар учун эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш тамойили хос бўлиб, бу қуйидаги ҳодисаларни содир бўлиши билан боғлиқ:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;
- хусусий секторни ривожлантириш;

- рақобат муҳитини яратиш, яккаҳукмронлик ҳолатини бартараф этиш ва монополияга қарши тартиблашни такомиллаштириш;

- бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштириш, банк ислохотларини жадаллаштириш;

- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валютани тартибга солишни эркинлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш.

Уларнинг иқтисодий ва молиявий масъулиятларини ошириш, банкротлик институти ролини кучайтириш, хўжалик судларини фаоллаштириш. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, фаолият эркинлиги, ҳар бир кишининг танлаш имкониятига эга бўлишигина рақобат учун кенг йўл очади ва бу жараёнда фермер хўжаликлари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда рақобат муҳитининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ҳар қандай фермер давлат кўмагисиз ўзининг истиқболли келажагини ва ўз қонуний манфаатлари ҳимоясини кўра олмайди.

Мамлакатда фермер хўжаликларини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, улар ривожланишининг асосий йуналишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Мазкур йуналишларда фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, уларнинг барқарор ташқи иқтисодий фаолиятини кучайтириш мақсадида давлат томонидан қулай шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Хусусан, давлат томонидан лизинг хизматлари тизимини ривожлантириш, кредит иттифоқларини шакллантириш ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган банк-молия институтларини вужудга келтириш мақсадида катта имкониятлар яратилган. Масалан, улар технологик жиҳозларни олиб кираётганда импорт божхона тўловларидан

озод қилиш тартиби белгилаб қўйилган. Фермер хўжалиги раҳбарлари учун мунтазам равишда семинарлар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган баҳс-мунозаралар, тегишли ихтисослаштирилган идоралар томонидан кичик жихозлар, технологиялар ҳамда фермер хўжаликларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг кўргазмаларини мунтазам ташкил этиш давлат ташқи савдо сиёсатининг ажралмас бўлаги сифатида қараб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Қишлоқ хўжалигининг 2007-2011 йилларда ҳудудий ривожлантиришнинг комплекс стратегиясини шакллантириш бўйича давлат дастури"даги муҳим ўринни фермер хўжаликларини ривожлантириш масаласи эгаллайди. Бу даврда асосий мақсад фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки уларнинг эркин рақобат муҳитида шаклланиб, уларнинг заминида рақобатбардош йирик қишлоқ хўжалик корхоналари, яъни фермер хўжаликлари вужудга келиши учун имкониятлар яратилади. Бунинг натижасида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаб берувчи ишлаб чиқариш соҳаларини техник қайта қурулантириш ва модернизация қилинишини таъминлаш мақсадида республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида рақобатни ривожлантириш тамойилларидан яна бири - соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий асоснинг яратилиши ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йуналишларидан бири иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш масаласидир. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника-технологиялар билан жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳар бир мамлакат жумладан, Ўзбекистон ҳам фермер хўжаликлари лойиҳаларини молиялаштиришнинг ташқи манбалари билан бир қаторда, молиялашнинг ички манбаларидан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамда кам фойда келтирса-да, миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштиради. Лекин шундай бўлса-да, хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджета маблағлари эвазига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига эндигина ўтиб бораётган давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилади ва бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб, кейинги пайтларда мамлакатда кенг миқёсда қурилиб фойдаланишга топширилаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бундай мақсадлар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан маблағлар ажратилади. Республикада фермер хўжалиги субъектлари аста-секин бўлса-да ривожланиб, молиявий жиҳатдан ўз-ўзини молиялашнинг янги маблағлари шаклланиб бормокда ва булар қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- фермер хўжаликлари субъектларининг тақсимланмаган фойдаси;
- амортизация ажратмалари фонди;
- махсус фондлар.

Бу маблағлар манбаидан фермер хўжалиги субъектлари ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги ишлаб чиқаришни барпо қилиш, модернизациялаш ёки техник-технологик жиҳатдан янгилаш, айланма маблағларни кўпайтиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина фермер хўжалиги субъектлари моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ва молиявий ҳолатининг беқарорлиги боис уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш сиёсати асосида фермер хўжалиги субъектларига, айниқса эндигина иш бошлаган фермер хўжалиги субъектларига берилган солиқ имтиёзлари ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, улар имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида сарфлашлари мумкин. Бундан ташқари, фермер хўжалиги субъектлари ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиши ёки ижарага бериши орқали ҳам қўшимча маблағларга эга бўлишлари мумкин.

Республикамизда аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш тижорат банкларида амалга оширилмоқда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатли кредитлашга йўналтирилмоқда. Бунинг биринчи сабаби, инфляция даражасининг юқорилиги бўлса, иккинчи сабаби, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг камлигидадир. Шунинг учун республикамизда маҳаллий инвесторлар сони санокли десак муболаға бўлмайди.

Пул маблағларининг тақчиллиги шароитида ва маҳаллий инвесторлар фаоллигининг сустлиги боис, давлатимиз асосий эътиборини хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ва сиёсий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизнинг аграр секторига жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характерида қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усуллари қарор топтириш кабиларга қаратилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш тамойилларидан бири иқтисодиётда фермер хўжаликларининг сунъий равишда устунлик мавқеига эга бўлиши учун имкон яратмасликдир. Бу борадаги энг самарали чора-тадбирлар сифатида монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб бориш майдонга тушади.

Устунлик мавқеига эга бўлган корхона товар бозорларида юзага келган муносабатларга ўз таъсирини кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Баъзида истеъмолчилар монополистик корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маълум бир товарларга эҳтиёжининг юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг турли хил ноқонуний шартларига кўникишга мажбур бўладилар.

Монополистик корхоналарнинг бозордаги устунлик мавқеини суистеъмол қилиш ўз-ўзидан товарлар ва хизматлар нархининг асоссиз равишда ўсиши ва сифатининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг салбий оқибатларидан бири - товар бозорларида истеъмолчилар ўртасида нотенглик ҳолатларини юзага келтириш, яъни айрим истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишдан асоссиз равишда бош тортиш, монопол қиммат нархларда сотиш ва бошқаларга олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат учун шарт-шароитларни шакллантиришнинг бошқа муҳим тамойили - хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб қилинган ноқонуний ҳаракатлари (битимлари) устидан назоратни олиб бориш ҳисобланади. Чет эл амалиётида ушбу тарздаги келишиб олиб бориладиган ҳаракатларни картел деб аташ қабул қилинган. Картелларнинг фаолияти нафақат бир давлатнинг товар бозорида балки жаҳон бозорида ҳам нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Картел сифатидаги келишувлар нархларни сунъий равишда ошишига, шунингдек уларнинг иштирокчилик ўртасида рақобатни умуман бўлмаслигига олиб

келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш жараёнини сусайтиради.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мавжудлигига асосланган ва иложи борида эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, мулкый масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик тахликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги ва бозор орқали уларнинг иқтисодий алоқасини йўлга қўйиш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатчилик муҳитини шакллантириш узоқ муддатли ва мураккаб жараён бўлиб, у жуда кўплаб омилларнинг таъсири остида шаклланади. Айниқса, иқтисодиётдаги мулкчилик муносабатларининг янада такомиллашувига, самарадорлигининг ошишига олиб келувчи мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш рақобат муҳитининг ривожланишида етакчи ўрин тутди. Хусусийлаштириш жараёнининг тезлашиши ва унинг асосида турли мулк шаклларининг барпо қилиниши субъектлар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланишига ва унинг ривожланишига туртки ҳисобланади. Чунки аниқ бир мулк эгасигина бу мулкни асрашга, уни янада кўпайтиришга ҳаракат қилади. Мулкни кўпайтириш йўлида қилинган саъй-ҳаракат ишлаб чиқариш суръатларини ва ҳажмини оширишга, маҳсулот турларини кўпайтиришга, бозор ва истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда товарлар ишлаб

чиқариш учун ундайди. Бозор муносабатларида иштирок қилувчи ҳар бир субъектнинг бундай хоҳиши улар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келишига ва янада ривожланишига асос солади. Шу боис, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим жиҳати рақобат муҳитини яратиш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва товарлар рақобатбардошлигига кенг йўл очиб бериш асосий масала ҳисобланади.

Рақобатбардошлик - бу очик иқтисодий тизимнинг ҳар қандай иқтисодий субъектга қўядиган асосий талабидир. Рақобатбардош бўлиш бу товар ва хизматларнинг ташқи ёки ички бозорга мўлжалланганлигидан қатъий назар истеъмол, сифат ва баҳо кўрсаткичларини дунё стандартлари даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, корхоналарнинг рақобатчилар билан иқтисодий курашда устунликка эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги иқтисодий шароитга, рақобатчилик афзалликларининг тўрт асосий белгиси: омил шароитлари (табиий, меҳнат, технологик ва инвестицион ресурслар, инфратузилма ва ҳ.к)нинг жаҳон бозоридаги рақобатбардош, ёрдамчи соҳаларнинг мавжудлиги, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб корхонанинг стратегияси ва уни ички бозордаги рақобати таркиби ва мазмуни билан белгиланади.

Ўзбекистондаги бозор муносабатлари режали иқтисодиётнинг етмиш йиллик ҳукмронлигидан сўнг ва мамлакат ичидаги рақобатга умуман шароит яратмаган собиқ иттифоқнинг узоқ муддат давомида жаҳон иқтисодиётидан узилиб қолганлигидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистонда алоҳида бозор ва институтларнинг шаклланиши ҳамон тугагани йўқ. Ислохотларгача бўлган даврда мавжуд бўлган таркибий камчиликлар бугунги кунда ҳам маълум қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли рақобатдаги афзалликлар ўтиш давридаги иқтисодиётнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган, Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз рақобатбардошлигини ошириш ва мустаҳкамлаш имкониятларига таъсир этувчи, ўзига хос кўринишга эга бўлиши лозим. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар учун рақобатдаги афзалликлар манбаларини кенгайтириши

учун Ўзбекистонда аввало хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга, талабнинг ўсишига, корхонанинг инвестицион ва инновацион фаоллигини оширувчи мақбул шароит яратишга, илмий техник салоҳиятини сақлаб қолишга, шунингдек таълим соҳасига молиявий эътиборни оширишга йўналтирилган сиёсат олиб бориш лозим.

3.3. Фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини оширишнинг ҳозирги ҳолати

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлган аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектлар шаклланишига ва эркин мулкчилик муносабатларига эга бўлинди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг асоси бўлган бозор муносабатлари асосида ҳар қандай тармоқни ривожлантириш орқали юқори пировард натижага эришиш кўзда тутилган бўлиб, бу жараёнлар аграр тармоқда ўз самарасини бермоқда. Айниқса қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатларнинг кескин ўзгариши сабабли деҳқоннинг ишлаб чиқаришга ва мулкка эгалик ҳисси янада ортиб бормоқда. Республика аграр соҳасида хўжалик юритишнинг турли шакллари орасида фермер, деҳқон хўжаликлари истиқболли деб тан олинди. Улар тўғрисида ҳукумат томонидан ҳуқуқий асос яратилди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатаётган субъектлар орасидан фермер хўжаликлари ўзининг бир қанча афзаллик томонларини кўрсатди. Бу эса бозор муносабатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги афзалликлари билан бугунги истиқболли йўналишимизга мос келишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни

чуқурлаштиришнинг асосий йуналишлари тўғрисида"ги ПФ-3226-сон Фармонида фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш қилиб белгиланди ва фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Республикада фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналаридан, фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва олинган иқтисодий самараси билан бошқа турдаги хўжаликлардан ажралиб турмоқда. Шунинг учун фермер хўжалигини ривожлантиришга мамлакатимиз Президенти жуда катта эътиборларини қаратдилар.

Республика Президентининг 2008 йил 6 октябрида 3077-сонли "Фермер хўжаликлари тасаруффидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди. Фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратилди.

3-жадвал

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштиришнинг асосий натижалари

Йиллар	Фермер хўжаликлари сони	Фермер хўжаликларидаги ўртача ер майдони, га
2008 йил 1 январь ҳолатига	219976	26,6
2009 йил 1 январь ҳолатига	105033	55,7
2010 йил 1 январь ҳолатига	80714	65,7
2011 йил 1 январь ҳолатига	66134	80,1

Фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида 2011 йил 1 январ ҳолатига республикамизда 66134 та фермер хўжаликлари фаолият олиб бориб, уларга ўртача 80,1 гектардан ер майдони тўғри келган (3-жадвал).

Тошкент вилоятида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таҳлил қилганда, шуни кўриш мумкинки, донли экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги 2011 йилда 40,5 центнерни ташкил этган (4-жадвал).

Бу кўрсаткич картошкада мос равишда 155,4, сабзавотларда 220,3, полиз маҳсулотларида 135,8, мева ва резаворлар 68,5 ҳамда узумда 72,4 центнерни ташкил этган.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, республикамизда фермерлик ҳаракатининг куллаб-қувватланиши узининг ижобий натижаларини бермокда. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида жaxon қишлоқ хўжалик тажрибасида синалган ва ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида самарали хўжалик юритиш шакли сифатида узини оклаган фермер хўжалигининг фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмокда.

Бозор иқтисодиётига утиш шароитида республикамизда сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ва сувнинг тайин эгаси бўлишини ҳисобга олиб, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Умуман олганда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва шу мақсадда сув хўжалиги инфратузилмасини такомиллаштириш ва унинг хизматларидан самарали фойдаланишни йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ булар эди. Унинг вазифасига сув манбаларидан сув олиш, каналлар орқали сувдан фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш, сугориш ва ернинг шурини ювишга олинadиган сув ресурсларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланиш ва сугориш сувининг сифатини назорат- қилиш ва бошқалар киради. СИУлар асосан тугатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермерларни бирлаштириб, улар тўланган бадал ва йиллик даромадидан маълум микдордаги тулов ҳисобига ўз фаолиятини юритади ва

ривожлантиради. Хозирги кунда СИУларнинг шаклланишига ва ривожланишига тусик бўлувчи баъзи бир муаммоларни инкор этиб бўлмайди:

- уюшма аъзолари бадаллари ҳисобига ташкил топган маблағ, янги механизмлар, машина ва ускуналар жихозлари сотиб олишга етмаслиги мумкин;

- асосий қишлоқ хўжалиги экинларига белгиланган нархлар сувдан фойдаланувчиларга сувга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни коплаш имкони берилмаслиги;

- банк томонидан сувдан фойдаланувчиларга бериладиган кредит ставкаларининг юқорилиги, СИУнинг лойихаларини амалга ошмаслигига сабаб бўлиши мумкин;

- СИУни бошқарадиган ва ташкил этадиган сув улчагич асбобларининг етишмаслиги.

Бундан келиб чиқиб, вилоят фермер хўжаликларини ички имкониятларини ва ресурслар етказиб беришни давлат томонидан куллаб-кувватланаётганлигини эътиборга олиб, куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва унумдорлигини оширишда ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш;

- фермер хўжаликларининг шахсий қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалиги машиналарга эга бўлишини таъминлаш мақсадда лизинг муносабатларини янада такомиллаштириш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш;

- фермер хўжаликларида барча ҳудудларнинг табиий иқлим шароити ва ўзига хос бўлган хусусиятлардан келиб чиқиб, унумдор наздаги уруглик тайёрлаш;

- барча турдаги минерал угитлардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида минерал угитлар ва кимёвий воситаларнинг етарли бўлишини таъминлаш;

- фермер хўжалигида маҳаллий угитлардан фойдаланишни ташкил этиш ва маҳаллий угитлардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари раҳбарларини! бозор ҳақидаги, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехниками ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти тўғрисида билим ва малакага эга бўлишини таъминлаш учун уларни уқитиш ва қайта тайёрлаш марказларининг ишини янада такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш лозим.

Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ҳукумат томонидан қабул қилинаётган иқтисодий ислохотларни амалиётга кенг жорий қилиш орқали фермер фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилади.

3.4. Фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўллари

Мустақилликдан кейинги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида олиб борилган ислохотлар келажакда юз бериши мумкин бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози каби ҳар хил таназулларга бардош бериш учун илгаридан пухта уйланган чора-тадбирлар эканлигини барча эътироф этмоқда. Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.А. Каримов шундай дейди "Ўзбекистоннинг инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилмоқда "

Мамлакатимизда ислохотларни бошлангич даврлариданок аҳолини озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини ички имкониятлар ҳисобига қондириш

бош вазифа қилиб куйилди. Бу масалани ҳал этишнинг энг мақбул йўли фермер хўжаликларни ривожланишига кенг имконият яратиб беришдан иборат.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари мамлакатда озик-овқат маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ аҳолисини қушимча даромад билан таъминлаш, қушимча иш уринларини яратиш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажарар экан, уларнинг ривожланиши учун мавжуд ташкилий, *хукукий* шароитларини янада яхшилаш, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги, фермер хўжаликларига юридик шаҳе сифатида фаолият юритиш учун имкониятлар берилганлиги, фермер хўжалиги ишчиларнинг иш вақти меҳнат стажига қўшилиши ана шулар жумласидандир. Амалга оширилган тадбирлар натижасида фермер хўжаликларнинг ер майдонлари мақбуллаштирилмоқда, фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми муттасил равишда ошиб бормоқда. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларининг янада самарали фаолият юритиши, кўпроқ даромад келтириши учун яна бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш, мавжуд *хукукий* асосларни такомиллаштириш зарур бўлади.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва инкирозга қарши чора-тадбирларни белгилаб олиш учун, аввало жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг муҳим жиҳатлари, келиб чиқиш сабаблари ҳдмда хусусиятларини бир оз таҳлил қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон шароитида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар нафақат қишлоқ хўжалигини, балки барча иқтисодий

тармоқларни жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан энг кам зарар билан чиқиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини саклаб қолишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жихатидан республикада салмоқли уринга эга бўлган хўжалик юритиш шаклларида бири, албатта, фермер хўжаликлари дир. Уларни барқарор ривожлантиришдан асосий мақсад иқтисодиётда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тебранишлар ва кескинлашувдан холи бир шаклда иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлашдир.

Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишига жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози қандай таъсир кўрсатади? Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози банк муассасаларидан то ишлаб чиқариш соҳаларига борган бир занжир бобида барча тармоқларни ўз таъсири доирасига олади ва олиб бормокда. Шу боисдан, инкироз фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри ёки билвосита ўз таъсири доирасига олиши мумкин, аммо инкироз бошқа тармоқларга таъсир этиши билан фермер хўжаликлари ҳам билвосита унинг таъсир доирасига қиради.

Бунда банк муассасалари фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш уларга иқтисодий молиявий ёрдам беришни ташкил этишлари ва сугурта ташкилотлари фермер хўжаликларини иқтисодий танглик ва кургокчилик ҳолатларига қарши химояловчи ташкилот бўлиб иқтисодий хавфларни суғурталаш ишларини кучайтиришлари айти муддао бўлади.

Янгийўл тумани Орзу фермер хўжалигининг жами майдони 2011 йилда 71 га ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 24,6 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2012 йилда жами сотилган маҳсулотлар ҳажми 211 тонна бўлиб, қиймати 91,1 млн. сўмни ташкил этган (6-жадвал).

Шу билан бирга, фермер хўжалигининг жами сотилган маҳсулотлар қиймати 2010 йилга нисбатан 17,9 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Орзу фермер хўжалигининг 2010 йилдаги даромади қарийб 77,3 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2012 йилда 17,9 фоизга ошган ёки 91,1 млн. сўмни ташкил этган (7-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, соф фойда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан олганда 28,3 фоизни ташкил этган. Чунки фермер хўжалиги олинган фойдани банкдан олган кредити ҳисобига кредиторлик қарзларини тўлаган. Шу боис, унинг соф фойда камайган. Лекин 2012 йилда 2010 йилга нисбатан рентабеллик даражаси ошиб, 54,2 фоизни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг таъсири ва салбий оқибатларини олдини олиш йўллари белгилаб олиш фермер хўжаликларида ҳам ўзига хос ёндашувга асосланиши лозим. Фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга республикамиз ҳукумати томонидан алоҳидада эътибор бериб келинди ва бир қатор муҳим қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Уларни самарали фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий ва меъёрий асослар тулигича яратилди, десак муболага бўлмайди. Лекин шунга қарамай фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келган бир қатор муаммоларни аниқлаб олиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози га қарши дастурлар ишлаб чиқишда ушбу муаммоларни келтириб чиқарган сабабларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ушбу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Бугунги кунга келиб мамлакатда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб 35,0 фоизини, чорвачилик маҳсулотларининг 3,7 фоизини етказиб берадиган, қишлоқ аҳолисини қушимча даромад ва иш уринлари билан таъминлаётган фермер хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи етарлича ҳал этилмаган. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур моддий техника ресурслари билан доимий равишда таъминлаш керак. Фермер хўжаликларига қорва озуқаси ва бошқа зарурий ресурсларни етказиб бериш муаммосини ва бошқа масалаларни ҳал этувчи мувофиқлаштирувчи тузилма ташкил этиш зарур.

2. Фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи айрим ташкилий масалаларни ўзаро кооперация асосида иш юритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунда фермер хўжаликларни турли хил кооперативларга бирлашиши ихтиёрийлик асосида хўжалик аъзолари кооперативга бирлашишнинг афзалликларини онгли равишда ҳис қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки ҳар қандай хўжаликни мажбурий равишда маайян бирлашса, уюшма ёки кооперативларга бирлаштириш ҳеч қандай самара бермаслигини амалиёт тажрибалари кўрсатмоқда. Кооперативлар асосан кўп йуналишли ёки ихтисослашган ҳолда ташкил қилиниши мумкин.

3. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш, даромад олиш даражаси республика минтақалари, шунингдек алоҳида вилоятларнинг ичида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бунга, биринчидан тупрок иқлим шароитларнинг турличалиги сабаб бўлса, иккинчи асосий сабаб фермер хўжалиги эгаларининг мавжуд имкониятдан фойдаланиб кўпроқ даромад олишга бўлган интилишнинг йуклигидир.

Маълумки, фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш қишлоқ аҳолией даромади ва турмуш даражасини оширишда муҳим урин тутади. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилни "Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас эди. Ушбу йуналишда 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилиниб, унда қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини шаҳар билан тенглаштириш, қишлоқнинг республикаимиз иқтисодиётдаги урни ва салоҳиятини ошириш, қишлоқни ривожлантириш бўйича стратегик меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида қишлоқда фермер хўжаликларини ҳар томонлама куллаб-қувватлаш орқали республикаимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам да аҳолини бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ва устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу фармон билан фермер хўжаликлар фаолиятини янада ривожлантиришга

тегишли бўлган куйидаги тадбирлар белгилаб берилган. Жумладан: чорвачиликни ривожлантириш; ҳар бир минтақада мамлакатда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш; - мини технологиялар ярмаркасини ўтказиш ва бошқалар. Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари билан боғлиқ юқорида келтирилган муаммолар, уларни келиб чиқиш сабаблари ҳам да жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш мақсадида куйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Якин келажакда қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари сонининг кўпайиб бориши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиши ва аҳоли бандлик даражасига ижобий таъсир этишидан далолат беради.

Маълумки, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишнинг чора-тадбирларидан бири бу аҳолини, айниқса, қишлоқ ёшларининг бандлигини ошириш ва янги иш уринларини ташкил этишга кумаклашиш мақсадида хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади.

Ҳуқуқий қисм

Фермер хўжалигини юритиш истагини билдирган фуқаролар биринчи навбатда ариза ва фермер хўжалигининг бизнес-режаси билан бирга туман ҳокимига юборилади. Ушбу ҳужжатлар туман ҳокими томонидан беш кун муддатда ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига хулоса бериш учун топширилади. Комиссия ўн беш кун муддатда ҳужжатлар билан танишиб чиқади ва бўлажак фермер билан суҳбат ўтказади ҳамда ижарага ер бериш мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хулосасини тайёрлайди. Хулосани юқоридаги ҳужжатлар билан бирга туман ҳокимига тақдим этади.

Туман ҳокими ўн беш кун муддатда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, фермер хўжалиги юритиш учун фуқарога ер участкаси бериш тўғрисида қарор тайёрлайди. Туман ҳокимининг тавсияси билан вилоят ҳокимиятида тузилган комиссияга юборилади. Комиссия хулосасига асосан, туман ҳокими қарор чиқаради. Туман ҳокими қарор қабул қилингандан сўнг, ўн кун муддат ичида ҳокимиятнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати билан фермер хўжалиги бошлиғи ўртасида ер ижараси шартномаси тайёрланиб, имзоланиши лозим.

Шартнома имзолангандан сўнг, ўн кун муддатда туман бош ер тузувчиси фермер учун ажратилган ерни кўрсатади ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқлайди. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтади.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар бўлажак фермернинг ўзи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб (етти) иш кунида, туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади. Шундан сўнг, туман ҳокимлиги янги ташкил этилган

фермерга «Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома ва туман ҳокимияти муҳри билан тасдиқланган «руйхатга олинган» белгисига эга таъсис ҳужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани топширади.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек, рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Конституцияси» ва «Ер кодекси»га биноан, ер Давлат мулки бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлатнинг чиқарган қонунлари асосида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бозор муносабатларини эркинлаштириш жараёнида ердан фойдаланишнинг қуйидаги тизимлари қабул қилинди:

1. Ширкат хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадларида берилади;

2. Деҳқон хўжаликлари ердан мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланадилар;

3. Фермер хўжаликларига ер 50 йилгача муддатга ижарага берилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнини муваффақиятли охирига етказиш мақсадида 1998 йил 30 апрелда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши аграр ислохотларни жадаллаштириш учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилди.

Ушбу тизимда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда истиқболли субъектлардан бири бўлган фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалигини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва

тугатилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар мазкур қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва бошқа шакллардаги хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хўжалиги фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиб, улар: фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ер учаскаси тўғрисидаги низомга асосан, ташкил этиш; етиштирилаётган маҳсулотга мустақил баҳо белгилаш; етиштирган маҳсулотини истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш; харид этилган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш; тадбиркорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, сотиш ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш; кредитлар олиш, суғурта ва бошқа ҳолларни таъминлаган ҳолда, имтиёзли кредитлашга жалб этиш; ижарага берилган ер учаскасини кредит олиш учун гаровга қўйиш; ўрта ва кичик корхоналар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш; ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳуқуқларига эга.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалигининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий мажлисининг қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ, ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай турли қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан ҳам шуғулланади. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотини сифатли, меъёрий стандартларга мос, экология, санитария қоидалари асосида ишлаб чиқишдан

иборат. Фермер хўжалиги фаолятининг ҳуқуқий асослари унинг низомида белгилаб қўйилади.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаоляти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Фермер ўз фаолятида “Ер кодекси”дан ва меъёрий ҳужжатлар тўпламидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳужжатлардан фойдаланиш тартиблари Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Фермер ўзининг иш фаолятини, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун бўйича амалга оширади.

Қонуннинг 8-моддаси фермер хўжалигининг Низоми тўғрисида бўлиб, уставнинг моҳияти, мазмуни, фермер хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фермернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хўжаликни қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигининг намунавий Низоми” тасдиқланган. Ушбу ҳужжат орқали ҳар бир фермер ўзининг шароити, ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалигининг Низомини қабул қилади.

Қонуннинг 23-моддасида Ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш, ҳақ тўлаш, суғурта бадалларини тўлаш каби умумий қоидалар белгиланган. Уларни қандай расмийлаштириш ва амалга ошириш бўйича “Меҳнат кодекси”дан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-

сонли қарори билан “Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисидаги намунавий шартнома” тасдиқланган ҳужжатдан фойдаланилади.

Фермер хўжалиги томондан етиштирилган маҳсулотларни сотиш, моддий таъминот ва сервис хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий муносабатлари “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бўлиб, уни ташкил этиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Намунавий контрактация шартномаси”, “Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома”, “Хизматлар кўрсатишга (Ишларни бажаришга) намунавий шартнома” ҳужжатларида акс эттирилган.

Фермер – хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида қўлланадиган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишда биринчи навбатда қонунларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган ёки Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган қонун ости ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари ва тегишли модданинг асл моҳиятини билиб олиши лозим. Ундан кейин ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини талаб қилишлари мумкин.

ҲФХ нинг назарий асослари

Меҳнат муҳофазаси - иш жараёнида инсон хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилиятини оширишни таъминловчи қонунлар системаси ҳамда уларга мувофиқ келадиган социал-иқтисодий, ташкилий, техникавий, гигиеник ва даволаш профилактикаси тадбирлари ҳамда воситаларидир.

Техника хавфсизлиги — ишловчиларга ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини, унинг олдини оладиган ташкилий чора-тадбирлар ва техника воситалари системасидир.

Ёнғин хавфсизлиги — объектда ёнғин пайдо бўлиш хавфининг олдини олиш, шунингдек моддий бойликларни муҳофаза қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш санитарияси - ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар таъсирини олдини оладиган чора-тадбирлар ва техника воситалари системасидир.

Ишлаб чиқаришдаги хавфли омил - ишлаб чиқаришда ишловчиларга муайян шароитларда таъсир этганда шикастланишга ёки соғлиқнинг кескин ёмонлашувига таъсир этадиган омилдир.

Ишлаб чиқаришдаги зарарли омил - ишчиларга иш вақтида таъсир этиб касалланишга ёки иш қобилиятининг пасайишига олиб келадиган омилдир.

Ёнғин хавфсизлиги

Ёниш — ёнувчи модданинг ҳаво кислороди ёки бошқа оксидловчи модда билан оксидланишининг тез кечадиган кимёвий реакцияси бўлиб, бунда ёруғлик ва иссиқлик ажралади.

Ёнғин — махсус манбада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий, техникавий тадбирларга қўйидагилар: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, носоз печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, шунингдек, осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик

чораларини кўриш, ёнаётган бинолардан одамлар, ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш. Мелиоратив қурилиш машиналарида ишлаганда электр ўтказгичларнинг қисқа уланиши; оловга эҳтиёт бўлиш, двигателнинг газ трубаларидан учкун чиқишига, двигателнинг носозликларига, машинанинг қизиган қисмларига сомон, хашак, пахта толаларининг тушиб қолишига, ёнғинга қазрши хавфсизлик чораларига риоя қилмаслик ёнғин чиқишининг асосий сабаблари ҳисобланади. Асосий профилактик талабларидан бири мойлаш ва ёнилғи тизимларининг техник созлиги, мой ва ёнилғини оқиб қолишига йўл қўймасликдир. Хоналарда машиналарни туриш жойи, хизмат кўрсатиш майдони, ёнилғини қуйиш ва сақлаш омборлари гаражларда ёнғин хавфининг кўп бўлишига олиб келади. Ёнғин бўлишини ва тарқалишини огоҳлантириш учун гаражларда иморатлар, иншоотлар, омборлар ўртасида ёнғинга қарши ораликлар талабга мос бўлиши керак. Очiq майдонларда сақлашда иморатлар оралиғи 20 м дан кам бўлмаслиги, автомобил, тракторлар оралиғи иморат деворигача 10 м дан, ёнғинга қарши деворигача 2 м дан кам бўлмаслиги керак. Гаражларда носоз машиналарни қўйиш, ўтиш йўллари, дарвозаларни ёнғин кранлари ёки сув ҳавзаларига бориш йўлларини тўсиб қўймаслик, хоналарга белгиланган меъёрдан ортиқ машиналарни қўймаслик, двигателларни очiq олов билан қиздирмаслик, трактор, автомобил ва хўжалик машиналарида пичан, пахта ва бошқа ёнувчи нарсаларни сақлаш, гараж майдонида ва таъмирлаш устахоналарида гулхан ёқиш, қиринди, пайраха, ташландиқларни ёндириш ва артиш-тозалаш материалларидан фойдаланиш ман этилади.

Фуқаро муҳофазаси

Меҳнат хавфсизлиги — меҳнат шароитининг шундай ҳолатики, унда ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинган. Ишлаб чиқариш шароитида инсонга жароҳат етказилиши бу физикавий ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари борлигини биддиради.

Физикавий хавфли ишлаб чиқариш омиллари — бу ҳаракатдаги машиналар, ускуналарнинг ҳаракатдаги элементларининг тўсилмаганлиги, кузатиловчи буюм, материаллар, ускуна ва материалларни устки қисмининг юқори ёки паст ҳароратда бўлиши, электр тармоқларининг хавфли кучланиши, юқори босимдаги ҳаво ва газнинг портлагандаги энергияси ва бошқалар.

Транспорт ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари: Юклар хавфлилик даражаси бўйича 5 гуруҳга бўлинади: 1) кам хавфли (курилиш, сабзаётлар ва бошқ.); 2) ёнилғи (мой, бензин ва бошқалар); 3) иссиқ ва чангланувчи (асфальт, мум, цемент ва бошқалар); 4) агрессив суюқликлар (кислоталар, ишқорлар ва бошқалар); 5) сиқилган газ баллонлари (ацетилен, кислород). Массасига қараб юкларни 3 тоифага бўлишади: 1. 80 кг гача; 2. 80 дан 500 кг гача; 3. 500 кг дан оғир бўлган юклар. Автомобил ва тракторларда хавфсиз ишлаш кўпинча уларнинг техник ҳолатларига, транспортда ишлаш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларининг бажарилишига ва йўл ҳаракати қоидаларига қандай риоя қилинганлигига боғлиқдир.

Транспорт ишлари билан банд бўлган машиналарни йўл ҳаракатидан имтиҳон топширган ва шу ихтисос бўйича ғилдиракли машина ҳайдовчилари учун камида икки йил, занжирли трактор ҳайдовчилари учун бир йиллик стажга эга бўлган тракторчи-машинистларгина ҳайдашлари мумкин.

Юклар кўпинча қопларда, саватларда, яшиқларда, бочкаларда ортиб ташилади. Ортиш усули ташиладиган юкка ва юк кўтарадиган машиналар ёки бошқа воситаларнинг бор-йўқлигига боғлиқдир. Юкларни қўлда ортиш ва тушириш фақат муваққат майдончаларда рухсат этилади. Бундай ҳолда эркаклар кўпи билан 50 кг, аёллар эса кўпи билан 9 кг, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар кўпи билан 13 кг, ўсмир қизлар кўпи билан 7 кг юк кўтаришлари рухсат этилади.

Биринчи тиббий ёрдам

Сув хўжалиги ва мелиорация қурилиши техникалари одатда тиббий ташкилотлар жойлашган марказий қисмдан анча узоқ жойларда ишлатилади.

Шунинг учун механизатор ўзига-ўзи биринчи ёрдам кўрсатишни билиши керак. Ҳозирги тракторлар, машиналар ва автомобилларни корхона маъмурияти дори-дармонлар тўплами бор тиббиёт аптекаси билан таъминлаши зарур. Аптечкада қуйидагилар бўлиши лозим: ичимлик сода - 200 г, валидол - 30 таблетка, борат кислота - 60 г, лейкопластир - (1х15 см) - 5 дона, вазелин - 50 г, резина арқон - 1 дона, шахсий пакет - 10 дона, бинт - 10 дона, новшадил спирти - 20 г, пахта - 100 г, шиналар - комплект, йод эритмаси.

Аптечкадаги тиббий препаратлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади: ичимлик сода - кислота куйдирганда (ишқор ва кислоталар билан ишлашда) кўзни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида ичимлик соданинг 2-4% ли эритмасини тайёрлаш учун; валидол - асаб системасини тинчлантириш ва юрак атрофидаги оғриқларни йўқотиш учун; борат кислотаси ишқор таъсирида куйганда кўзни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида 2-4% ли эритмаси тайёрланади. Вазелин - 1 даражали куйишда, тирналганда, тери яллиғланганда, терига суртиш учун; резина боғлам - қон кетишини тўхтатиш учун; шахсий пакетлар, бинтлар, пахта - лат еганда, яраланганда боғлаб қўйиш учун, новшадил спирти - хушдан кетганда ҳидлатиш учун; йод настойкаси - яранинг атрофига, теридаги шилинган, тирналган жойларга суртиш учун.

Артериядан қон оққанда, йирик артериялар жароҳатланганда тезликда ёрдам кўрсатиш зарур. Биринчи навбатда томирни бармоқлар билан қаттиқ босиб, суякка сиқиш керак.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, маънавий янгиланиш учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, танланган йўл тўғрилиги ва таъсирчанлиги ҳаёт синовларида текширилиб, жамоатчилик томонидан маъқулланди. Ҳозирги кунда мазкур тамойилларни амалга ошириш натижасида Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг жорий этилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва сезиларли иқтисодий ўсиш амалга оширилмоқда. Натижада республикада тегишли ҳуқуқий асос яратилиб, бозор инфратузилмаларини шакллантиришга, иқтисодиётнинг янгиланиши ва бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклларига асосланган корхоналарнинг вужудга келишига олиб келди. Шу билан бирга жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч-мулкдорлар, тадбиркорлар синфи - шаклланмоқда.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш фермер хўжаликларини ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари муҳитини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида охириги йилларда фермер хўжаликларнинг ривожланишида ижобий силжишлар рўй берди. Жумладан Янгийўл туманидаги Орзу фермер хўжалигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Хўжаликнинг соф фойдаси 2012 йилда 2010 йилга нисбатан олганда 28,3 фоизни ташкил этган. Чунки фермер хўжалиги олинган фойдани банкдан олган кредити ҳисобига кредиторлик қарзларини тўлаган. Шу боис, унинг соф фойда камайган. Лекин 2012 йилда 2010 йилга

нисбатан рентабеллик даражаси ошиб, 54,2 фоизни ташкил этган. Унинг келгусида ҳам жадал суръатлар билан ривожланиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан бўлиб қолади.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминламасдан барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас. Бу жараёнда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг талабларига амал қилиш ута муҳим ишлардан бири бўлиб, айниқса фермер хўжаликлари субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлиги гоят долзарбдир. Шунинг учун ҳам тадқиқот иши натижаларига кўра қуйидаги хулоса ва таклифлар баёнини берамиз:

1. Иқтисодиётда рақобат ва рақобатбардошлик муносабатларини ривожланиши учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини рақобатчи корхоналар билан солиштирган ҳолда, бозордан ўзининг ўрнини топиши ва барқарор фаолият юритиши шу кун талабларидан келиб чиқади.

2. Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш келажақда унинг иқтисодий салоҳиятининг ошишига олиб келади.

3. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фақат вилоят миқёсида эмас, балки ташқи савдога ҳам етказиб бериш, бунинг учун Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ва хориж мамлакатларида юқори даражадаги инфратузилмага эга бўлган савдо уйлари ишини йўлга қўйиш орқали фермер хўжаликларининг экспорт-импорт фаолиятини замон талаблари асосида амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим. Бу фаолиятни амалга ошириш борасида фермер хўжаликлари учун қулай имкониятлар ва шароитлар яратиб берувчи ҳукукий-норматив ҳужжатлар мажмуини ҳам қайтадан кўриб чиқиш керак.

4. Келгусида фермер хўжаликлари субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ривожлантириш мақсадида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча молиявий

манбалардан ажратиладиган кредитлар миқдорини бирмунча кўпайтиришни назарда тутиш лозим. Бу ўз навбатида, вилоятда ишлаб чиқаришни халқаро андозалар даражасида йўлга қуйиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тулдириш, муҳими, янги иш жойларини очишда уларнинг ҳиссаси янада кўпроқ ва салмоқлироқ бўлишини таъминлаш имконини беради.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари яна танланган стратегияга эришиш учун қуйидаги йўналишларга эътиборни қаратиш лозим:

- янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини ва ташқи кўринишини қаттиқ назорат остига олиш;

- фойданинг бир қисмини технологик янгиликлар ихтиро этишга йўналтириш, дизайн соҳасида иш олиб борадиган яхши мутахассисларни ишга жалб этиш;

- фойда ҳисобидан корхонанинг маданий-маиший, спорт соҳасини ривожлантириш ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигининг мониторинга уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ривожланишида тезкор ва стратегик бошқариш жараёнларини маълумотлар билан таъминлашда давлат ва тижорат институционал бирликлари томонидан кузатиш, жамғариш ва маълумотларни таҳлил этишни тизимлаштиришга йўналтирилган ташкилий ва технологик тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида кўрсатиб ўтган муаммо ва тақлифлар у ёки бу ҳужжатларда ўз аксини топса, у ҳолда фермер хўжаликларини иш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш содир бўлиб, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларни ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил 26 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни. // Халқ сўзи. - 2012 йил 7 январ.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги «Машина-трактор паркларининг модий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 106-сонли Қарори.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, 1992.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент, 1993.
8. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти–фаровонлик манбаи. – Тошкент, 1993.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. – Тошкент, 1995.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, 2009.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, 2010.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, НМИУ. - 2013.

13. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

14. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент, 2004.

15. Хакимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Тошкент, 2004.

16. Хусанов Р.Ҳ., Хамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент, 2009.

17. Рахимов Б.И. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари бозорининг шаклланиши. – Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2004.

18. Янгийўл тумани Орзу фермер хўжалигининг статистик маълумотлари.

19. Интернет сайтлари: www.ref.uz, www.orol.uz, www.climate.uz, www.google.uz.